

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ - ОИЛА ТАЯНЧИ

ЖизПИ “Ижтимоий фанлар кафедраси”

ўқитувчиси Хидиров

Хошимжон Ибодуллаевич.

Аннотация. Мақолада жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни ва мавқеини ошириш масаласи, уларни ҳар бир соҳада етакчи мутахассис қилиб тарбиялаш, муносиб оила бекаси этиб шакллантириш айниқса, ёш авлод тарбиясида оналарнинг ролини ошириш бугунги куннинг долзарб мавзууси эканлиги ифодаланган.

Калит сўзлар: Ёш авлод, ислоҳот, етакчи мутахассис, оила бекаси фермерлик ҳарақати, касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик.

“Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олийжаноб қадрият ҳисобланади. Соғлом зурриёд, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги аёлларнинг ўрни ва хизматини ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Уларнинг меҳр-муҳаббати, вафо ва садоқати фидойилиги сабабли ҳаётимиз чароғон. Шу туфайли оилаларимизда тинчлик-осойишталик, қут-барака ҳукм суроётгани учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзиди ”.

“Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади” Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи мамлакатда давлат сиёсати даражасига кўтарилди”, деб таъкидлаган эди Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекстон давлатини биргаликда барпо этамиз” номли асарида.

Аёл жамият таянчи. Бу сўзнинг замирида нечоғлик катта маъно-мазмун яширганлигини ушбу сўзнинг ўзидан ҳам англаш мумкин. Аёлларни ардоклаш, хотин-қизларни, айниқса, ёш авлод тарбиясида оналарнинг ролини ошириш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор вазифасидан бири ҳисобланади. Шунинг бир бир қаторда жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни ва мавқеини ошириш масаласи, уларни ҳар бир соҳада етакчи мутахассис қилиб тарбиялаш, муносиб оила бекаси этиб шакллантириш бугунги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланади. Биз бугун ўзбек аёли ҳақида гапирганда, албатта, буюк бобомиз, шеърият мулкининг сultonи Алишер Навоий куйлаган бетакрор фазилатлар соҳибасини ўзимизга тасаввур қиласиз. Шу билан бирга, бугунги кунда ўз ақли, билими ва истеъоди, меҳнатсеварлиги ва шижаоти билан ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаларини тебратиб — бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик бўладими — мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта ғуур ва мамнуният билан таъкидлаймиз.

Биз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганимиз ва шу йўлда амалга ошираётган улкан ишларимиз бугун ўзининг ҳосилини берадигани барчамизни қувонтиради. Жойлардаги аёлларнинг масалаларини ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ва ҳозирда ўзининг нуфузи ва мавқеини ошириш жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Албатта, ҳар бир жамиятнинг фаровонлиги унинг оиласарининг мустаҳкамлиги билан ўлчанади. Бизнинг давлатимизда ҳам аёлларга аёниқса, она ва бола саломатлигига қаратилаётган эътиборнинг ўзида катта маъно мужассамдир. Бунда мамлакатдаги ҳар бир оиласининг ва болаларнинг ўрни борлигини унутмаслигимиз лозим. Бунинг натижаси сифатида жамиятда она ва боланинг соғлиқ-саломатлигини асраб-авайлаш ҳар бир давлатнинг келажигини белгиаб берувчи асосий омилдир.

Ўзбекистон ахолисининг 51 фоизи аёллардан иборат бўлиб, мамлакатдаги ишчи кучининг 35 фоизини ҳам аёллар, шунингдек, мамлакатдаги ўқувчиларнинг 60 фоизини қизлар ташкил этади. Лекин, ҳуқуқ ва иқтисод йўналишидаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг эса атиги 23 фоизинигина қизлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари умумий сонининг 22 фоизини аёллар ташкил этишининг ўзида ҳам аёлларнинг жамиятдаги ўрнини ва мавқенини юксалтириш ва қўтаришда муҳим қадамлардан бири бўлиб хисобланади.

Бевосита аёлларнинг жамиятдаги ўрни янада ошириш мақсадида бир қатор давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар. Хусусан, аёллар ташкилотларининг давлат органлари билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, уларни давлат дастурларини амалга оширишга жалб этиш табиий бир ҳолга айланди. Буни давлатимизда Хотин-қизлар қўмитаси, унинг қошида тузилган ўнлаб нодавлат ташкилотлари, шунингдек, «Тадбиркор аёллар» ассоциацияси, «Олима» ассоциацияси, «Етакчи аёллар маркази», «Аёллар ресурслари маркази» кабилар киради. «Олима» ассоциацияси таркибида 650 нафар хотин-қизлар, «Ўзбекистон тадбиркор аёллари» ассоциацияси таркибида эса 5000 нафар хотин-қизлар фаолият юритадилар. Бундай ташкилотларнинг асосий бирдан-бир мақсадлари жамиятда аёлларнинг мавқенини янада мустаҳкамлаш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Келажакда оналар ва болаларнинг айниқса, оиласининг ролини ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, биз таълим-тарбия бераётган

ёшларнинг соғлом, баркамол ва маънавиятли инсон бўлиб жамиятга кириб бориши тобора кўпайиб боришига ва бу вақти келиб янада яққолроқ намоён бўлишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекстон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Т. Ўзбекистон. 2016 й.
2. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. Т. Ўзбекистон. 2017 й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. Маънавият. 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.Ўзбекистон. 2011.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т.Ўзбекистон. 2015.